

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

НОМОЗОВА ГУЛМИРА РАХМАТУЛЛАЕВНА

**ТАРКИБИДА СИРТ ФАОЛ МОДДА ТУТГАН КОМПЛЕКС
ТАЪСИР ЭТУВЧИ ХЛОРАТЛИ ДЕФОЛИАНТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Номозова Гулмира Рахматуллаевна

Таркибида сирт фаол модда тутган комплекс таъсир этувчи хлоратли дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Номозова Гулмира Рахматуллаевна

Разработка технологии получения хлоратных комплексно действующих дефолиантов, содержащих поверхностно-активные вещества..... 21

Nomozova Gulmira Rakhmatullaevna

Contains surfactant complex action chlorate defoliant development of extraction technology 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

НОМОЗОВА ГУЛМИРА РАХМАТУЛЛАЕВНА

**ТАРКИБИДА СИРТ ФАОЛ МОДДА ТУТГАН КОМПЛЕКС
ТАЪСИР ЭТУВЧИ ХЛОРАТЛИ ДЕФОЛИАНТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т1521 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Навоий Давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.ionx.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умиров Фарход Эргашович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий опонентлар:

Эркаев Ақтам Улашевич техника
фанлари доктори, профессор

Тоғашаров Ахат Салимович
техника фанлари доктори


Етакчи ташкилот:

Қорақолпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «17» февраль 2022 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 - а уй. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертацияси билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2022 йил « 3 » февраль куни тарқатилди.
(2022 йил « 3 » февралдаги 4 - рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., профессор

Ш.С.Намазов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ғўза ўсимлигини ўз вақтида етиштириб ундан юқори ҳосил олиш имконини берадиган янги агротехнологияларни ишлаб чиқишга, юқори агрокимёвий самарага эга бўлган ўғитлар ва дефолиантлар олишнинг илмий асосларини ва технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабабли ғўза ўсимлиги ҳосилини ўз вақтида етилишини таъминлаш учун унинг баргини сунъий тўкиш ва бир вақтнинг ўзида кўсаклар очилишини фаоллаштириш имконини берадиган янги турдаги дефолиация воситаларини олиш ва уларни пахта етиштиришда қўллаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу ўринда атроф муҳитга зарарсиз, ғўзанинг умумий ривожланишини фаоллаштириб кўсаклар очилишини тезлаштиририш хоссаларига эга бўлган дефолиантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жахон миқёсида дефолиация, ўсимликлар зараркунандаларига қарши ва уларнинг ривожланишини фаоллаштирувчи воситалар олиш ва уларни биргаликда қўллаш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қуйидаги илмий-техник ечимларни асослаш зарур: дефолиация ва физиологик фаоллик хоссаларига эга бўлган моддаларни сувли эритмаларини физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш; ғўза баргини тўкиш ва кўсаклар очилишини фаоллаштириш хоссаларига эга бўлган воситалар олиш; сув, натрий хлорид, гипохлорит натрий, физиологик фаол моддалар сувли тизимини кенг ҳарорат ва концентрациялар оралиғида компонентларни ўзаро таъсирини ўрганиш асосида ғўза дефолиациясини самарали ўтказишни таъминлайдиган янги маҳсулотлар олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада кимё саноати маҳсулотлари ишқорий ва ишқорий ер металлларини хлоратлари, карбамид, нитрат кислотаси, сульфат кислотаси, сирт ва физиологик фаол моддаларни сувли тизимини кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида ўрганиш асосида ғўза дефолиациясида қўлланиладиган самарали маҳсулотлар олиш ва уларни қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кимё саноати маҳсулотлари ва чиқиндилари, жумладан каустик сода ишлаб чиқариш иккиламчи маҳсулоти натрий хлорид, гипохлорит натрий ва ёғ-мой саноатининг ёғни рафинациялаш жараёнида ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулот соапсток асосида янги турдаги дефолиантлар олиш муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сонли "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонлари ҳамда 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда турли шароитларда ноорганик ва органик моддалар асосида дефолиантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни физик-кимёвий, экологик ва дефолиацияловчи хоссаларини аниқлаш устида Jeums Cost, Loston Rove, J.Dan Smit, Ch.S.Wilyams, J.C. Suttle, F.R.H. Katterman, W.C. Hall, L.C. Brown, C.L. Rhyne, Yo Gan ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган. Республикада ишқорий ва ишқорий ер металлларини хлоратлари, карбамид, нитрат кислотаси, сульфат кислотаси, сирт фаол, физиологик фаол моддалари асосида ғўза ўсимлигини дефолиацияловчи восита олиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиши кўпгина олимларнинг номлари билан боғлиқ (Тухтаев С., Закиров Б.С., Кучаров Х., Таджиев С.М., Рашидова С.Ш., Исабаев З., Мусаев Н.Ю., Имомалиев А.И., Закиров Т.С., Умаров А., Пругалов А.М., Мельников Н.Н., Зубкова Н.Ф., Стонов Л.Д. Хамдамова Ш.Ш., Тогашаров А., Шукуров Ж.) Улар маҳаллий хом ашёлар, кимё саноати маҳсулотлари ва чиқиндиларини сувли тизимларини кенг концентрация ва ҳарорат оралиғида ўрганиш асосида турли дефолиантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни ғўза ўсимлигида дефолиацияловчи ва кўсаклар очилишига фаоллаштиришга таъсирини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борган.

Шу билан бир қаторда, ғўза ўсимлигини дефолиациялаш кўсаклар очилишини фаоллаштириш хоссасига эга бўлган дефолиантлар олишнинг физик-кимёвий, технологик асослари ўрганилганда кимё саноати маҳсулотлари ва чиқиндилари, жумладан каустик сода ишлаб чиқариш иккиламчи маҳсулоти натрий хлорид, натрий гипохлорит ва физиологик актив моддалар асосида дефолиантлар олиш бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Навоий давлат кончилик институти ва

Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170926386 «Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини пишиб етилишини тезлаштирувчи ва кўп функцияли таъсир этувчи хлорат сақловчи дефолиантлар таркибини ва олиниш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади каустик сода ишлаб чиқариш иккиламчи маҳсулоти натрий гипохлорит, шунингдек сирт актив ва физиологик актив моддалар асосида самарали комплекс дефолиантлар олишнинг физик-кимёвий асосларини ва технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари: таркибида натрий хлорид- натрий гипохлорит - сув ва натрий хлорид- натрий хлорат -сув бўлган сувли тизимлар компонентларининг ўзаро таъсирини кенг ҳарорат ва концентрациялар оралиғида ўрганиш;

янги қаттиқ фазаларни мавжуд бўлиш ҳарорат ва концентрация чегараларини, таркибини аниқлаш ва уларни идентификациялаш;

натрий хлорид, натрий хлорат асосида кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида дефолиант олиш жараёнини асословчи $2\text{Na}^+ / 2\text{Cl}^-, \text{ClO}_3^- - \text{H}_2\text{O}$ тизимнинг 0, 25 ва 100⁰С ҳароратдаги изотермасини тадқиқ этиш;

натрий хлорид, натрий гипохлорит ва натрий хлорат, сирт актив ва физиологик фаол моддалар асосида суюқ ва қаттиқ дефолиант олишни принципиал технологик схемасини ишлаб чиқиш ва мақбул технологик параметрларини аниқлаш;

қаттиқ комплекс дефолиантларни туз таркибини аниқлаш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

таклиф этилаётган дефолиантларни олишнинг технологик режимларини синовдан ўтказиб янги маҳсулотларни тажриба намуналарини олиш ва дефолиацияловчи ва физиологик хоссаларини баҳолаш;

ғўза баргини сунъий тўкиш, ғўза кўсақларини етилиши ва очилишини тезлаштирувчи, ўсимликни умумий ривожланишини фаоллаштирувчи хоссага эга бўлган, кўп фукционал дефолиантлар олишни моддий балансини ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида натрий гипохлорит, натрий хлорат, сирт актив ва физиологик фаол моддалар, уларнинг турли концентрациядаги ва ҳароратдаги сувли эритмалари, қаттиқ фазалари, қаттиқ дефолиантлар, дефолиантларни ишчи эритмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети натрий гипохлорит, натрий хлорат, сирт актив ва физиологик фаол моддалар сувли тизимини кенг ҳарорат ва концентрация оралиғидаги ўзаро таъсирлашувини ўрганиш асосида ғўза баргини сунъий тўкиш, ғўза кўсақларини етилиши ва очилишини тезлаштирувчи хоссага эга бўлган, кўп фукционал дефолиант олишни мақбул шароитини аниқлаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кимёвий, физик-кимёвий, ИҚ-спектроскопия, рентгенографик, визуал-политермик, аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

натрий гипохлорит ва натрий хлорид, натрий хлорат дан ташкил топган сувли тизимларини политермик эрувчанлик диаграммалари тузилган ва гетероген фазани мувозанатда бўлиш режимлари асосланган;

натрий гипохлорит, натрий хлорат, сирт актив моддалар иштирокидаги сувли системаларни политермик эрувчанлик диаграммалари тузилган ва янги бирикмалар ҳосил бўлиши исботланган;

натрий гипохлорит, натрий хлорат, сирт фаол ва физиологик актив моддалар сувли тизимларининг эрувчанлик диаграммалари асосида сувоқ ва қаттиқ комплекс дефолиантлар олиш асосланган;

натрий гипохлорит, натрий хлорат, сирт фаол моддалар асосида физиологик актив хоссага эга бўлган қаттиқ дефолиант олишнинг икки хил технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Навоиазот” АЖ каустик сода ишлаб чиқариш иккиламчи маҳсулотлари натрий гипохлорит, натрий хлорат ва ёғ-мой саноати чиқиндиси соапсток асосида комплекс таъсир этувчи қаттиқ дефолиантлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

янги турдаги дефолиантлар ишлаб чиқаришнинг моддий баланси, технологик тизими ва регламенти ишлаб чиқилди, жараёнларни мақбул технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

ҳозирги кунда қайта ишлаш муаммо бўлиб турган кимё саноати иккиламчи маҳсулотлари ва ёғ-мой саноати чиқиндилари асосида комплекс таъсир хоссага эга бўлган дефолиантлар олинди ва магний хлоратли дефолиантга нисбатан ғўза барглари тўкилишини 4-5% га, ҳосилдорликни 2-3% га ошириши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари, агрохимевий ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти натрий гипохлорит, натрий хлорат, сирт актив, физиологик фаол моддаларни сувли тизимининг кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида эрувчанлиги ва компонентларни ўзаро таъсири бўйича олинган маълумотлар ғўза баргини сунъий тўкиш, ғўза кўсакларини етилиши ва очилишини тезлаштирувчи хоссага эга бўлган, кўп функционал дефолиант олишнинг кимёвий, физик-кимёвий ва технологик маълумотлари билан бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳозирги кунда қайта ишлаш муаммо бўлиб турган кимё ва ёғ-мой саноати иккиламчи маҳсулотлари ва чиқиндиларини комплекс таъсир хоссага эга бўлган дефолиантларга қайта ишлашга ва улардан қишлоқ хўжалигида ғўза ўсимлигини самарали дефолиациялашда фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кимё саноати иккиламчи маҳсулотлари ва чиқиндилари натрий гипохлорит, натрий

хлорати, сирт актив ва физиологик фаол моддалар асосида комплекс таъсирга эга дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

натрий гипохлорити ва натрий хлоридлари асосида натрий хлорати олиш технологияси «Электрокимёзавад» АЖ-ҚҚнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Электрокимёзавад» АЖ-ҚҚнинг 2021 йил 16 ноябрдаги 219-сон маълумотномаси). Натижада, кимё саноати каустик сода ишлаб чиқариш иккиламчи махсулотларини ва чиқиндиларини самарали комплекс таъсир этувчи дефолиантга қайта ишлаш имконини берган;

натрий хлорати ва сирт фаол модда асосида таркибида сирт фаол модда бўлган натрий хлорати олиш технологияси «Электрокимёзавад» АЖ-ҚҚнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Электрокимёзавад» АЖ-ҚҚнинг 2021 йил 16 ноябрдаги 219-сон маълумотномаси). Натижада, кимё саноати каустик сода ишлаб чиқариш иккиламчи махсулотлари ва ёғ-мой саноати чиқиндиси соапсток асосида таркибида сирт фаол модда тутган юқори самарали дефолиант олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ


Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда «Ёўза ўсимликларини дефолиациялаш учун қўлланиладиган кимёвий препаратлар» адабиётлар шарҳи келтирилган, унда ноорганик ва органик бирикмалар асосида дефолиантлар олиш усуллари ва қишлоқ хўжалигидаги қўлланилаётганлиги баён этилган. Мавжуд технологиялар асосида дефолиантлар ишлаб чиқариш ва фойдаланиш

муаммоларининг турли жихатлари кўрилган. Адабиётлар тахлили асосида тупрокқа ва атроф муҳитга зарар келтирмайдиган, комплекс таъсир этувчи ва маҳаллий хомашёлар асосида дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва қишлоқ хўжалигида қўллаш зарурлиги асосланган. Адабиёт маълумотларини тахлил қилиш асосида ушбу ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар ўтказиш усуллари, дастлабки моддалар олиниши ва тавсифи» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш усуллари ва хомашёларнинг тавсифлари, ҳамда «Навоийазот» АЖ каустик сода цехининг иккиламчи маҳсулоти натрий гипохлоритнинг (НГПХ) хоссалари ва олиниш усуллари баён этилган, айниқса, йилига 6,5-7 минг тонна натрий гипохлорит ҳосил бўлиши ва ундан фойдаланиш имкониятлари келтирилган.

Диссертациянинг «Натрий хлорид, натрий гипохлорит ва натрий хлорат тузларининг сувли тизимларини физик-кимёвий тадқиқ қилиш» номли учинчи бобида дастлаб НГПХнинг хоссалари, физик-кимёвий кўрсаткичлари - кристалланиш харорати, қовушқоқлиги ва зичлиги сўнгра НГПХни хлоргача парчаланиш вақтини хароратга боғлиқлиги ўрганилди.




1-расм. НГПХ нинг кристалланиш харорати (1), қовушқоқлиги (2) ва зичлиги (3) ни ўзгаришини таркибига боғлиқлиги.

1-расмда НГПХни сувли тизимида кристалланиш харорати, қовушқоқлиги, зичлигини таркибига нисбатан ўзгариши, шунингдек НГПХнинг сувда эрувчанлиги ва реакцион хоссаларини унинг кимёвий хоссаларига боғлиқлиги келтирилган.

НГПХ нинг реакцион хоссаларини фаоллиги рН муҳит кўрсаткичи рН > 12 бўлганда нибатан юқори эмас, ушбу қийматларда ҳеч қандай реакция бўлмайди ва бирикма ҳосил бўлмайди. рН муҳит кўрсаткичи рН > 10 бўлганда натрий хлорат ҳосил бўлиши учун актив кислород иштирок этади, у жуда секин таъсир этади (2-расм). рН муҳити кўрсаткичи камайиб бориши билан,

реакцион хоссалар активлиги аввалига максимумгача ошиб боради, хлорат учун оптимал муҳит $pH > 5$ ҳисобланади. Кислотали муҳит ошиши билан $pH > 3$ молекуляр хлор ҳосил бўлади. Реакцион хоссалар фаоллиги яна пасаяди, лекин аста секинлик билан миқдорий муҳитга нисбатан шундай сақлангандан сўнг 10 кун ўтганда НГПХ ўзининг фаоллигини бошланғич фаоллигига нисбатан 30% гача йуқотади.




2-расм. Натрий гипохлоритининг реакцион хоссасини pH муҳитга боғлиқлиги.

Ишнинг кейинги босқичида натрий хлорид - натрий гипохлорит - сув системасининг эрувчанлигини визуал-политермик усулда $-26,0$ дан $+65,4^{\circ}C$ оралиғида ўрганилди. Икки компонентли тизимлар ва ички кесиклар асосида эрувчанлик политермик диаграммаси ҳосил қилинди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, системада муз, $NaCl \cdot 2H_2O$ - натрий хлорид кристаллогидратлари ва сувсиз натрий хлорид $NaCl$, $NaClO \cdot 5H_2O$; $NaClO \cdot 2,5H_2O$ - сувсиз $NaClO$ кристаллогидратлари ҳудудлари, ҳамда янги бирикма натрий хлорати $NaClO_3$ ҳосил бўлиш ҳудудлари аниқланган (3-расм). Ҳосил бўлган янги бирикма индивидуал ҳолатда ажратиб олинган, кимёвий ва физик-кимёвий усуллар асосида идентификацияланган.

Олинган натрий хлорати таркиби кимёвий, физик-кимёвий усуллар ёрдамида анализ қилинди. Натрий хлорат таркибидаги ClO_3^- иони перманганометрик усули ёрдамида, Na^+ алангафотометрияси усули ёрдамида таҳлил қилинди ва қўйидаги натижалар олинди.

Натрий хлоратининг назарий таркиби масс. %: Na^+ - 22; ClO_3^- 76,6, Cl^- - 1,14% борлиги; натрий хлорат амалий олинган таркиби масс. %: Na^+ -21,6; ClO_3^- -78,4 аниқланди.




3-расм. Натрий хлорид - натрий гипохлорит - сув тизимининг эрувчанлик диаграммаси.

Шундай қилиб, натрий хлорид - натрий гипохлорит - сув системасидаги гетероген мувозанат тадқиқотлар натижалари кимёвий ва рентгенографик усуллари, ҳамда ИҚ-спектроскопия ва масс - спектроскопик усуллар билан идентификацияланган ҳолда NaClO_3 бирикмасини ажралиб чиқиш температура ва концентрация чегараларини ўрнатишга ёрдам берди (4-расм).

Янги бирикмаларни идентификациялаш, структурасини сифатли аниқлаш учун ИҚ-спектроскопия усули қўлланилди. Шунинг учун NaClO ва NaCl молекулаларининг кимёвий боғланиш турларини ва қаттиқ ҳолатда ажратиб олинган NaClO_3 бирикмасини ва уни таркибловчи компонентларини аниқлаш учун уларнинг ИҚ-спектрлари олинди (4-расм).


NaClO ИҚ-спектрида $3200\text{-}3650\text{см}^{-1}$ соҳасида ютилиш чизиғи кузатилди, бу четланиш чизиклари кристаллизация, сув ва натрий гипохлоритнинг деформацион тебранишига тегишли (3626 см^{-1}). Сувни деформацион тебраниши 1633 см^{-1} соҳада аниқланди. NaClO учун ўхшаш чизиклар 3630 см^{-1} соҳада кузатилади; $671\text{-}700\text{ см}^{-1}$ соҳалардаги симметрик ва антисимметрик валент тебраниш $[\text{ClO}]^-$ ионларига таълуқли.

$[\text{ClO}_3]^-$ ионларнинг спектрларида ютилиш чизиклари $991,4$; $964,4$ ва $482,2\text{ см}^{-1}$ соҳаларда кузатилди. $991,4$, $964,4$ ва 937 см^{-1} чизиклар $[\text{ClO}_3]^-$ симметрик тебранишларга тегишли. Уларнинг деформацион тебранишлари $-482,2\text{ см}^{-1}$, $624,9\text{ см}^{-1}$ адабиётларда келтирилган маълумотларга мос бўлиб, антисимметрик деформацион тебраниш ҳисобланади.



4-Расм. Натрий хлорат, натрий гипохлорит ва натрий хлориднинг ИҚ-спектрлари.

Шунингдек натрий хлорид-натрий хлорат-сув системасининг эрувчанлик диаграммаси $-25,6$ дан $52,1^{\circ}\text{C}$ гача оралиқда визуал – политермик усулда ўрганилди. Саккизта ички кесиклар ва икки компонентли бинар тизимлар ёрдамида муз, моно- ва сувсиз натрий хлорид, натрий хлорати ҳосил бўлиш ҳудудлари аниқланган (5-расм).



5-расм. Натрий хлорид -натрий хлорат - сув тизимининг эрувчанлик диаграммаси

Система оддий эвтоник бўлиб, у 2-та учламчи ва 3-та иккиламчи бирлаштирувчи нуқталардан таркиб топган.

Натрий хлорид - натрий хлорат - сув системасини ўрганиш асосида натрий хлоратини олиш диаграммаси ҳосил қилинади.


Дунёда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, кимё саноати чиқиндиларидан ёки маҳаллий хомашёларидан самарадорлиги юқори, экологияга зарарсиз, кам захарли кимёвий моддалар олиш ва қўлланиш технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари хомашё сифатида ишлатилган ёғ-мой саноатининг иккиламчи маҳсулоти – соапсток хомашёсининг (СФМ) хоссаларини яхшилаш мақсадида соапсток 5%-ли NaOH билан қайта ишланиб, олинган маҳсулотлар кимёвий ва физик-кимёвий усуллар билан ўрганилди. (1-жадвал ва 6-7 расмлар).

1-жадвал

Соапсток хоссаларига NaOH эритмасини таъсири

№	Моддаларнинг таркиби %			Температур а, T °C	Вақт, мин	рН	Қовушқоқлик, μ, м ² /сек
	Соапсток	H ₂ O	NaOH				
1.	0,5	10,0	5,0	60	60	13,5	1,855
2.	1,0	10,0	5,0	60	120	13,5	1,889
3.	1,5	10,0	5,0	60	180	13,5	1,901
4.	2,0	10,0	5,0	60	240	13,5	1,948
5.	2,5	10,0	5,0	60	300	13,5	1,985
6.	3,0	10,0	5,0	60	360	13,5	2,109




6-расм. Соапсток, NaOHли соапсток ва натрий хлоратига соапсток қўшилгандаги ИҚ спектрлари.

Диссертациянинг “**Натрий хлориди, натрий гипохлорити, натрий хлорати ва сирт фаол моддалар бирикмалари асосида дефолиантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш**” деб номланган тўртинчи бобида натрий хлориди, натрий хлорати ва сув тизимларининг ҳолат диаграммалари асосида натрий хлоратини дефолиантини олиш ва унинг самарадорлигини

ошириш мақсадида таркибида СФМ тутган натрий хлорат дефолиантини олиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

$2\text{Na}^+ / 2\text{Cl}^-$, $\text{ClO}_3\text{-H}_2\text{O}$ тизимининг изотермик диаграммаси 0, 50 ва 100°C ҳароратларда M_0 нуқта 85% ли дастлабки хом ашё гипохлорит натрий эритмаси бўлиб, унда тайёр махсулот олиш учун АД1 буғланиш эгри чизиғи ўтказилган, сувнинг буғланиши M^0 , M^{50} , M^{100} нуқталар суяқ фаза натрий хлоридга нисбатан тўйинган бўлади, буғланиш жараёни давом етар экан, суяқлик фазасининг таркиби M , E чизиғи бўйлаб ўзгаради. E нуқтага қадар қаттиқ фазага фақат натрий хлорид ажралиши кузатилади. E нуқтасида NaCl билан бир вақтда эритма NaClO_3 билан тўйинган бўлади. Na^+/Cl^- , ClO_3^- - H_2O тизимининг тугун нуқталари 3.8-жадвалда келтирилган Буғланиш жараёнининг давом этиши билан қаттиқ фазага NaClO_3 билан бирга NaCl тушади. Шундай қилиб, NaCl нинг тўлиқ ҳосил бўлишининг суяқ фаза таркибининг E^0 , E^{50} , E^{100} нуқталарига тўғри келади. Бундай режимда қаттиқ фазанинг ва тизимнинг таркиби мос равишда M_2^0 , M_3^{50} , M_3^{100} нуқталарга мос келиб, 0, 50 ва 100°C изотермаларга тўғри келади(7-расм).



7-расм. 0, 50 ва 100°C даги $2\text{Na}^+ / 2\text{Cl}^-$, $\text{ClO}_3\text{-H}_2\text{O}$ тизимининг изотермик диаграммаси


Натрий хлоратнинг оксидловчи эритмасининг буғланиш жараёнини ўрганиш шуни кўрсатдики, буғланиш даражаси 78,00 дан 82,00% гача кўтарилганда, натрий хлориднинг чўкиш даражаси 81,68 ва 97,76% ни ташкил қилади. Натрий гипохлоритнинг 15% ли эритмасини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган натрий хлорид кристалларини ювиш жараёни ўрганилди. Шу билан бирга, $K: C$ нисбати 1: 2 ва ювиш 5,10 % натрий хлорид эритмаси ва тоза сув билан уч қарра қарши оқимли ювиш таклиф қилинди; унда чўкма таркибидаги натрий хлорат миқдори 0,051-0,12% гача камаяди.

Натрий хлориднинг суюқ ва қаттиқ тузи ва натрий хлорат эритмасини олиш учун 15% ли натрий гипохлорит эритмасини икки босқичли буғлатиш таклиф қилинди. Унда эритманинг миқдори %: NaClO_3 -52,4; NaCl -7,6 ва H_2O -40 ташкил қилади. Қаттиқ натрий хлоратни олиш учун биринчи босқичдаги фильтрат буғланиш жараёнини давом эттиради ва натрий хлоридни ажратгандан сўнг, натрий хлориднинг тўйинган эритмаси қаттиқ натрий хлоратни олиш учун қуритилади, натижада қуйидаги таркиб ҳосил бўлади: NaClO_3 -95,1%; NaCl -4,4% ва H_2O -0,5% (2-жадвал ва 8 расм).

2-жадвал

0, 50 ва 100°Cдаги $2\text{Na}^+ / 2\text{Cl}^-$, $\text{ClO}_3\text{-H}_2\text{O}$ тизимининг буғлатиш жараёнини назарий асослари

№ Таж риб алар	Буғлатиш босқичи	Суюқ фаза таркиби масс: %			С:Қ фазалар нисбати буғлатишдан кейин	Қаттиқ фазанинг чўкиш даражасининг миқдори	
		NaCl	NaClO_3	H_2O			
1	-	8,5	6,5	85	1	-	8,5
2	$\frac{M_0 M2}{AM2} = 0,78$	8,0	40,8	51,2	2	$\frac{M_0 M2}{AM2} = 0,78$	8,0
3	$\frac{M_0 M3}{AM3} = 0,80$	7,6	52,4	40,0	3	$\frac{M_0 M3}{AM3} = 0,80$	7,6
4	$\frac{M_0 M4}{AM4} = 0,82$	5,6	63,3	31,2	4	$\frac{M_0 M4}{AM4} = 0,82$	5,6



8-расм. Натрий гипохлорит асосида суюқ ва қаттиқ дефолиант натрий хлорат олишнинг технологик схемаси

1-реактор; 2,6-ийгич; 3,7-насос; 4,8-буғлатиш қурилмаси; 5,9-

центрифуга; 10-қайновчи қатламли қуритиб-совутгич; 11-калорифер; 12,14-ҳаво хайдагич; 15-циклон; 16-қўлли филтър


Таклиф этилган технология бўйича суюқ ва қаттиқ натрий хлорат олиш учун қуйидаги жараёнлар амалга оширилади:

- дастлаб 15% ли НГПХ реакторга ва устига 20% ли HCl юкланади;
- ҳосил бўлган эритма 1-чи босқич қуритиш ва натрий хлоридни ажратиш;
- 52,4% ли тайёр эритма суюқ маҳсулот сифатида идишларга солинади;
- қаттиқ маҳсулот олиш учун 2-чи босқич қуритиш ва натрий хлоридни ажратиш;
- ҳосил бўлган қаттиқ маҳсулотни кристаллаш ва қадоқлаш.

Олинган натрий хлорати қуйидаги таркибга эга бўлади: 95,1% натрий хлорат, 4,4% натрий хлорид, қолган қисми сув, унинг кристалланиш ҳарорати 8,3°C, зичлиги 1,234 г/см³.

Таклиф қилинган технология «Электрохимэзавод» АЖ-ҚК нинг катталаштирилган лаборатория қурилмасида ва саноат синов қурилмасида синовдан ўтган ва дефолиантнинг 100 кг синов партияси ишлаб чиқарилган.

Диссертациянинг **“Натрий хлорати ва сирт фаол модда бирикмалари асосида дефолиантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи бобининг иккинчи қисмида натрий хлорат дефолиантининг таркибига СФМ қўшиш йўли билан юқори самарадор ва комплекс таъсир этувчи дефолиантларни синтезига эришиш, мақбул технологик режимини аниқлаш ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Унда олдинги 4-бобнинг 2.1 ва 2.2 қисмларида олинган натрий хлорати дефолиантга СФМ модда қўшиш учун пахта ёғини тозалаш жараёнида ажралиб чиқадиган углерод атомлари сони C₁₄-C₁₈ бўлган асосан, ёғ кислоталарининг натрийли тузларидан иборат соапстокдан фойдаланилди. Тадқиқотлар намлик 5 дан 7 %-гача, ҳарорат 90 дан 115°C гача, давомийлиги 80 дақиқагача ва дастлабки моддалар: натрий хлорат ва СФМ ўзаро масса нисбати 100:1 дан 100:3 гача бўлган оралиғида ўтказилди. Олинган натижалар 9-расмда ва 3-жадвалда келтирилган.




9- Расм. Таркибида 1%(I), 2%(II) ва 3%(III) СФМ тутган натрий хлорат суюқланмасидан сувни чиқаришни кинетик эгри чизиғи

Натрий хлорат дефолиантининг дастлабки кристалланиш харорати ва қотиш вақтининг таркибидаги СФМ ва намлик миқдорига боғлиқлиги.

№	СФМнинг миқдори, %	Қолган намлик, %	Дастлабки кристалланиш харорати, °С	Дефолиантнинг қотиш вақти (-13+18°С) сек
1.	-	-	38	18,1
2.	1,0	-	43,4	21,4
3.	1,0	1,0	41,3	22,2
4.	1,0	3,0	41,0	23,4
5.	1,0	5,0	42,5	24,2
6.	1,0	7,0	41,1	25,1
7.	1,0	10,0	39,5	27,6
8.	2,0	-	43,3	24,1
9.	2,0	1,0	42,2	25,3
10.	2,0	3,0	41,4	26,5
11.	2,0	5,0	40,0	27,6
12.	2,0	7,0	39,5	28,1
13.	2,0	10,0	37,1	28,8
14.	3,0	-	45,2	26,5
15.	3,0	1,0	43,1	27,4
16.	3,0	3,0	42,2	28,3
17.	3,0	5,0	40,3	28,8
18.	3,0	7,0	37,9	28,2
19.	3,0	10,0	35,2	26,4

Ўрганиш натижалари асосида СФМ ни қўшишнинг энг қулай шароити танланди ва янги технология ишлаб чиқилди (10-расм).



10-расм. Таркибида сирт фаол модда бўлган натрий хлорати асосида дефолиант олишнинг принципиал технологик схемаси

1-ҳаво буфери, 2-иссиқлик алмаштиргич, 3-скруббер, 4-вентилятор, 5-бункер-дозатор, 6-реактор, 7-барабанли кристаллизатор, 8-транспортёр.

Янги таклиф қилинган дефолиантларнинг технологик регламентини лабораторияда яратилди ва «Электрокимёзавад» АЖ-ҚК да 100 кг тажриба синов партиясини ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Таклиф қилинган дефолиантлар эритмаларининг физик-кимёвий хоссалари ва агрокимёвий самарадорлиги”** деб номланган 5-бобида таклиф этилган дефолиантлар ишчи эритмаларининг физик-кимёвий хусусиятлари ва уларнинг агрокимёвий синов натижалари келтирилган.

Барча олинган дефолиантларнинг ишчи эритмаларининг зичлиги юқори эмаслиги ва 1023,2-1026,3кг/м³ атрофида бўлиши аниқланган. Олинган дефолиантларнинг ишчи эритмаларининг қовушқоқлиги 20°С да 1,044-1,053 мм²/с атрофида бўлди. Хлорат магний препарати ва натрий хлорати дефолиантлар ишчи эритмаларнинг рН кўрсаткичи 6,93÷7,25, СФМ ли натрий хлорати асосидагиси эса 7,35÷7,66 атрофида бўлди. Таклиф этилган дефолиантлар 2019-2021 йилларда Навоий вилоятида пахтанинг “Бухоро-2”, “Оқдарё” навларида ўтказилган агрокимёвий синовларда ўсимликларга юқори дефолиациялаш активлигига эга эканлигини кўрсатди. Барглар тўкилиши 87,5÷89,2% ни ташкил этди. Қуриган барглар 1,5 % дан ошмади. Дефолиантлар сезиларли равишда кўсақлар етилиши ва очилишини тезлаштирди, 12-кундан кейин бу кўрсаткич 87,5÷90,4% ни ташкил этди. Бунга кўра 1 гектар пахта экинларига тавсия этилган препаратлар билан қайта ишлаш қиймати магний хлоратли дефолиант билан солиштирилганда 9031,0 ÷ 97690,0 сўмга арзонроқ эканлиги амалда исботланди.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажаришда олинган илмий ва амалий натижалар қуйдагилар ҳисобланади:

1. Диссертация ишида илк бор “Навоийазот” АЖ каустик сода ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулот натрий гипохлорити ва ёғ-мой саноатнинг иккиламчи маҳсулоти – соапсток дастлабки хомашё сифатида танлаб олинди. Бу моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди ва улардан физиологик фаолликка эга кўп функцияли дефолиантларнинг янги турларини олиш имкониятлари кўрсатилди.

2. Натрий хлорид ва натрий гипохлоритдан натрий хлорат олиш имконияти илмий ва амалий асосланди ва олинган натижалар асосида натрий хлорат ишлаб чиқариш технологияси тавсия этилди.

3. Натрий хлорид - натрий гипохлорит - сув ва натрий хлорид - натрий хлорат - сув системалари визуал-политермик усулда илк бор ўрганилди ва натрий хлорати ҳосил бўлиш ҳудудлари чегараланди. Ҳосил бўлган бирикма кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллар ёрдамида аниқланди.

4. Na^+/Cl^- , ClO_3^- - H_2O тизимининг 0, 50 ва 1000С да эрувчанлик изотермаси асосида суюқ ва қаттиқ маҳсулотларни олишнинг физик-кимёвий асослари ва назарий тахлили таклиф қилинган.

Натрий гипохлорит ва натрий хлорид эрувчанлиги диаграммаси асосида қаттиқ дефолиант олишнинг кимёвий ва физик-кимёвий шароитлари аниқланди ва ишлаб чиқилган технология «Электрокимёзавод» АЖ-ҚҚда амалиётга жорий этилди. Олинган дефолиант пахта барглари суюқ магний хлоратли дефолиантга қараганда 3-4% га кўпроқ тушириши агрокимёвий синовлар натижасида аниқланди.

5. Натрий хлорат ишлаб чиқариш жараёнига ёғ-мой саноатининг иккиламчи маҳсулоти бўлган соапсток кўшиш йўли билан физиологик фаолликка эга бўлган янги дефолиант олиш технологияси таклиф қилинди, Ишлаб чиқилган технология «Электрокимёзавод» АЖ-ҚҚда амалиётга татбиқ этилди. Олинган СФМ тутган янги дефолиант пахта барглари суюқ магний хлоратли дефолиантга қараганда 4-5% га кўпроқ тушириши агрокимёвий синовлар натижасида аниқланди.

6. Таклиф қилинаётган дефолиантнинг агрокимёвий синовлари 2019-2021 йилларда Навоий вилоятида "Бухоро-102", "Оқдарё" ўрта толали пахта навларида ўтказилди, тажрибада уларнинг юқори фаолликка эга бўлган дефолиант эканлиги исботланди. Барглarning тушиши 87,5-89,2%ни ташкил этди, 12 кундан кейин бу кўрсаткич 87,5-90,4%га етди. Бундан ташқари, қуруқ барглarning ҳажми 1,5%дан ошмайди. Шундай қилиб, янги дефолиант кўсақларнинг тўлиқ пишиб етилишини ва очилишини сезиларли даражада тезлаштиришига эришилди.

7. Таклиф қилинган дефолиант агрокимёвий синовдан ўтказилди ва техник-иқтисодий ҳисоблари ишлаб чиқилди. Бунга кўра 1 гектар пахта экинларига тавсия этилган препаратлар билан қайта ишлаш қиймати магнийли хлорат билан солиштирилганда $9031,0 \div 97690,0$ сўмга арзонроқ эканлиги амалда исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ
И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

НОМОЗОВА ГУЛМИРА РАХМАТУЛЛАЕВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ХЛОРАТНЫХ
КОМПЛЕКСНО ДЕЙСТВУЮЩИХ ДЕФОЛИАНТОВ, СОДЕРЖАЩИХ
ПОВЕРХНОСТНО-АКТИВНЫЕ ВЕЩЕСТВА**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент- 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.2.PhD/Т1521 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена на Навоийском государственном горном институте. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель:

Умиров Фарход Эргашович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Эркаев Ақтам Улашевич
доктор технических наук, профессор

Тогашаров Ахат Салимович
доктор технических наук


Ведущая организация:

Каракалпакский государственный университет

Защита состоится «17» февраля 2022 года, в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 4, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан « 3 » февраля 2022 года.
реестр протокола рассылки № 4 от « 3 » февраля 2022 года.



Б.С.Закиров
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

Д.С.Салиханова
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ш.С.Намазов
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире особое внимание уделяется разработке научных основ и технологий получения удобрений и дефолиантов с высокой агрохимической эффективностью, разработке новых агротехнологий, позволяющих своевременно выращивать растения хлопчатника и получения из него высокого урожая. Поэтому для обеспечения своевременного созревания урожая растения хлопчатника, получения новых видов дефолиационных средств позволяющих искусственное удаление листьев хлопчатника и одновременно активирующих раскрытие коробочек, и их применение при выращивании хлопчатника являются актуальными задачами. В этом плане разработка и внедрение технологии получения дефолиантов, безвредных для окружающей среды, имеющие свойства ускорения раскрытия коробочек и стимулирующий общее развитие хлопчатника имеют важное значение.

В мировом масштабе проводятся научные исследования по получению средств дефолиации, борьбе с вредителями растений, стимулирующих их развитие и по их совместному использованию. В этом направлении необходимо обосновать научно-технические решения по: определению физико-химических свойств водных растворов веществ, обладающих свойствами дефолиации и физиологической активностью; получению средств, обладающие свойствами удаления листьев хлопчатника и активации раскрытия коробочек; получению новых продуктов обеспечивающих эффективное проведение процессов дефолиации хлопчатника на основе изучения взаимодействия водных систем состоящих из воды, хлорида натрия, гипохлорита натрия и физиологически активных веществ в широком интервале температур и концентрации.

В Республике проводятся научные исследования по получению эффективных продуктов, применяемых при дефолиации хлопчатника на основе изучения водных систем, продуктов химической промышленности хлоратов щелочных и щелочноземельных металлов, мочевины, азотной кислоты, серной кислоты, поверхностно и физиологически активных веществ в широком диапазоне температур и концентраций, и достигающие определенных результатов. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...²». Исходя из этих задач, получение новых видов дефолиантов на основе продуктов химической промышленности и отходов, в том числе вторичного продукта производства каустической соды, хлорида натрия, гипохлорита натрия и вторичного продукта соапстока образующегося в

² Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

процессе рафинации масла, масло-жировой промышленности приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» и в Постановлении ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В мире по разработке научных основ и технологий получения дефолиантов на основе неорганических и органических веществ в различных условиях и определению их физико-химических, экологических и дефолиационных свойств Jeums Cost, Loston Rove, J.Dan Smit, Ch.S.Wilyams, J.C. Suttle, F.R.H. Katterman, W.C. Hall, L.C. Brown, C.L. Rhyne, Yo и другие провели ряд научно-исследовательских работ. Развитие исследований в области получения дефолиационных средств на основе хлоратов щелочных и щелочноземельных металлов, мочевины, азотной кислоты, серной кислоты, поверхностно-активных, физиологически активных веществ в Республике связано с именами многих ученых (Тухтаев С., Закиров Б.С., Кучаров Х., Таджиев С.М., Рашидова С.Ш., Исабаев З., Мусаев Н.Ю., Имомалиев А.И., Закиров Т.С., Умаров А., Пругалов А.М., Мельников Н.Н., Зубкова Н.Ф., Стонов Л.Д. Хамдамова Ш.Ш., Тогаширов А., Шукуров Ж.). Они провели научные исследования по разработке технологии получения различных видов дефолиантов на основе изучения в широком диапазоне концентрации и температур, водных систем местного сырья, продуктов химической промышленности и отходов, а также по определению дефолиационных свойств и влияния стимулирования раскрытия коробочек хлопчатника.

